

А Ж Р И М

(Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ҳақида)

2024 йил сентябрь ойининг 11 куни, жиноят ишлари бўйича Китоб туман судининг биносида, очиқ суд мажлисида, шу суднинг судьяси Х.Исаевнинг раислигида, судья ёрдамчиси Б.Воҳидовнинг котиблигида, тарафлардан Китоб туман прокурорининг ёрдамчиси Н.Рахмонов, Китоб тумани ИИБ ЖХХ Пробаця гуруҳи катта инспектори Ш.Жураев ва маҳкум Каримов Нодирбек Ёқуб ўғлининг иштирокида, Китоб тумани ИИБ бошлиғининг маҳкум Н.Каримовни ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ҳақидаги тақдимномасини тўпланган ҳужжатлари билан кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Шаҳрисабз шаҳар судининг 2024 йил 21 февралдаги ҳукмига кўра,

2003 йил 28 мартда Китоб туманида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, Ўзбекистон фуқароси, буйдоқ, судланмаган, Китоб туманидаги “Бустон Голд Фиш Траде” МЧЖ ишчиси, Китоб тумани “Обод” МФЙ, Қушбоши қишлоғида яшовчи Каримов Нодирбек Ёқуб ўғлига

Жиноят кодекси 266-моддаси 2-қисмига асосан 1 йил 6 ой озодликдан маҳрум этилган. 12.03.2024 йил ЖИБ Юқоричирчиқ туман судининг ажримига кўра Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 74-моддаси 3-қисми “а” банди билан иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиш шarti билан 1 (бир) йил 1 (бир) ой (саккиз) ой 4 (тўрт) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Маҳкум Каримов Нодирбек Ёқуб ўғлига нисбатан чиқарилган суд ҳукми Китоб туман ИИО Пробаця гуруҳига 2024 йил 19 апрель куни ҳисобга олиниб, 2024 йил 02 апрель кунидан “Бустон Голд Фиш Траде” МЧЖда ишчи вазифасида ишлаб, шу кундан бошлаб жазони ўтаб келмоқда.

Ўталган жазо муддати: 5 ой 9 кун

Ўталмаган жазо муддати: 7 ой 25 кун

Китоб тумани ИИБ бошлиғининг тақдимномасида, маҳкум Каримов Нодирбек Ёқуб ўғли тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини учдан бир қисмидан кўпроғини ўтаганлиги, яшаш ва иш жойидан ижобий тавсифланганлигини инобатга олиб, ўталмай қолган 7 ой 25 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини Жиноят кодекси 73-моддаси 3-қисмининг “а” бандига асосан ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш сўралган.

Китоб тумани ИИО Пробаця гуруҳи катта инспектори Ш.Жураев тақдимномани қувватлаб, маҳкум Каримов Нодирбек Ёқуб ўғли ўзининг жиноий қилмишларини тўлиқ англаб етиб, тузалиш йўлига ўтганлигини, содир қилган жиноятидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлигини баён қилди.



Судда маҳқум Каримов Нодирбек Ёқуб ўғли содир этган жиноятдан чин кўнгилдан пушаймонлигини, келгусида бошқа жиноят содир этмаслигини, жазо шартларига тўлиқ амал қилганлигини баён этиб, ўталмай қолган ахлоқ тузатиш ишларидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни сўради.

Суд, ишда тўпланган ҳужжатларни ўрганиб, прокурорнинг маҳқум Каримов Нодирбек Ёқуб ўғлини ўталмай қолган 7 ой 25 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш тўғрисидаги тақдимномани қаноатлантириш ҳақидаги фикрини тинглаб, Китоб тумани ИИБ бошлиғининг маҳқум Каримов Нодирбек Ёқуб ўғлини ўталмай қолган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ҳақидаги тақдимномасини қаноатлантириб, маҳқум Каримов Нодирбек Ёқуб ўғлини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 73-моддаси 3-қисмининг “а” бандига асосан ўталмай қолган 7 ой 25 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 536 ва 542-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Китоб туман ИИБ бошлиғининг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Каримов Нодирбек Ёқуб ўғли Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 73-моддаси 3-қисмининг “а” бандига асосан ўталмай қолган 7 (етти) ой 25 (йигирма беш) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинсин.

Н.Каримовга Жиноят кодекси 73-моддасининг 5-қисмига кўра, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниб, жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этса суд Жиноят кодексининг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинлаши тушунтирилсин.

Ажрим нусхаси ижро қилиш учун ИИБга юборилсин.

Ажрим устидан хусусий тартибда шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи

Х.А.Исаев

